# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 12 ноябрь, № 234 (9129) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЗАМОНАВИЙ ФУТБОЛ СТАДИОНИ ЁШЛАР УЧУН ИЛҲОМ, ХАЛҚИМИЗ УЧУН ИФТИХОР РАМЗИ БЎЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 11 ноябрь куни Янги Тошкентда йирик спорт иншооти – замонавий футбол стадиони қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этди.**





Сўнгги беш йилда мамлакатимиз футбол соҳасида туб бурилиш даври бўлди. Жумладан, маҳаллий чемпионатлар тизими ислоҳ қилиниб, болалар ва ўсмирлар академиялари ташкил этилди, ҳудудларда 75 та катта ва 302 та министадион фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки, 2017 йилда юртимизда ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси талабларига жавоб берадиган майдонларнинг сони атиги 3 та бўлган. Бугун уларнинг сони 10 тадан ошди.

Яқинда Юқори Чирчиқ туманида замонавий Миллий футбол маркази қуриб битказилди. Футбол мактабларида 65 мингдан ортиқ ёшлар машғулотлар ўтказмоқда. Ушбу мактабларга жаҳоннинг нуфузли футбол клубларидан тренерлар, спорт тиббиёти ва фармакологияси бўйича малакали мутахассислар жалб қилинган.

Футболчиларни маҳалладан бошлаб селекция қиладиган тизим яратилди. Бунга алоҳида имтиёзлар жорий қилиниб, 9 мингдан зиёд маҳаллаларнинг 70 фоизида футбол учун минимайдончалар ташкил этилди.

Шунингдек, 1,5 мингта мактабнинг футбол стадионлари таъмирланиб, 1 миллиондан зиёд ўқувчи ва маҳалла ёшлари қамраб олинди. Ёшлар ўртасида маҳалла, туман, вилоят ва республика турнирларини анъанавий ўтказиш йўлга қўйилди.

Мусобақаларда ўзини кўрсатган иқтидорли ёшлар футбол мактабларига тўғридан-тўғри қабул қилинмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлади.

— Футбол бўйича олимпия терма жамоамиз ўтган йили Париждаги олимпиадада биринчи маротаба иштирок этди. Тарихимизда илк бор миллий терма жамоамиз келгуси йилда бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Айни кунларда Қатарда бўлаётган жаҳон чемпионатида ўн етти ёшгача бўлган футболчиларимиз Осиё чемпиони сифатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари маросимда.

Бугун дунёнинг турли нуфузли клубларида тўп сураётган 20 нафар футболчимизнинг умумий трансфер қиймати 60 миллион доллардан ошди. Айниқса, ўтган ойдан бошлаб ҳамюртимиз Абдуқодир Ҳусанов Осиёнинг энг қиммат футболчисига айланганини барчамизга фахр ва ифтихор бағишлайди.

Бу натижалар сўнгги йилларда яратилган имкониятлар ҳисобига миллий футбол мактабининг халқаро даражада тан олина бошлаганидан далолат.

— Яқинда ФИФА президенти Жанни Инфантино мамлакатимизга ташрифи давомида Ўзбекистонда футболга эътибор, яратилган инфратузилма, бошқариш тизимидаги ислоҳотлар билан яқиндан танишиб, ушбу спортдаги туб ўзгаришларни юқори баҳолади. Жаноб Инфантино самимий мулоқотимиз чоғида халқаро футбол ҳамжамиятининг мамлакатимизга бўлган ишончи тобора ортиб бораётгани, Ўзбекистон футболи "Осиё грандлари" даражасида эканини алоҳида таъкидлади, — деди Президент.

2 октябрь куни ФИФА Кенгаши йиғилишида футбол бўйича 20 ёшгача бўлганлар ўртасида 2027 йилдаги жаҳон чемпионатини Ўзбекистон ва Озарбайжонда ўтказиш бўйича қарор қабул қилинди.

Ушбу жаҳон чемпионати доирасидаги ўйинлар икки мамлакатдаги 3 тадан стадионда ўтказилади. Жаҳон чемпионатларининг финал ва яримфинал ўйинлари сиғими 50 мингдан кўп бўлган стадионда ўтказилиши ФИФА талабларидан бири ҳисобланади.

— Шу боис мамлакатимиз футболи учун муҳим лойиҳа — Янги Тошкент стадиони қурилишини бошлаймиз. Қиймати 100 миллион долларлик ушбу стадион қурилиши учун нега айнан Янги Тошкент ҳудуди танланди? Сабаби Янги Тошкент келажакда мамлакатимизнинг янги имкониятлар ва илғор ғоялар марказига айланади, — деди давлатимиз раҳбари.

Янги Тошкент ҳудудидаги барча лойиҳалар замонавий меъморчилик ва миллий қадриятлар уйғунлигида экологик ва "ақлли бошқарув"га асосланиб барпо этилмоқда. Шу умумий концепция асосида қуриладиган янги стадион ҳам табиат билан уйғун бўлади ҳамда "яшил энергия", "ақлли бошқарув" ва "қулай муҳит" тамойилларига асосланади.

Янги Тошкент стадиони ФИФАнинг барча талабларига мос равишда барпо этилади ҳамда Осиёдаги энг йирик ва замонавий инфратузилмага эга футбол майдонларидан бири бўлади.

Бу иншоот нафақат 2027 йилги 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги жаҳон чемпионати учун, балки бутун ўзбек футболи ва ёшлар спортининг келгуси ўн йиллик ривожи учун хизмат қилиши таъкидланди.

Қайд этиш лозим, мамлакатимизнинг ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиши халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистонга бўлган ишончи ва ҳурматининг яна бир ифодасидир.

Шу муносабат билан чемпионатга тайёргарлик бўйича алоҳида давлат дастури қабул қилиниши айтилди. Инфратузилма, транспорт, меҳмонхона, тиббий хизмат ва волонтёрлик тизимлари бўйича масъул вазирликларга аниқ вазифалар белгилаб берилади.

— Янги Тошкент стадиони учун ҳозир биз қўядиган тамал тоши — бугунги меҳнатимизнинг ва эртанги ғалабаларимизнинг асосидир. Ишонаманки, бу улкан иншоот ёшлар учун илҳом, халқимиз учун ифтихор рамзларидан бири бўлиб, юртимиздаги миллионлаб футбол мухлисларига катта совға бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент стадиони пойдеворига капсула қўйиб, қурилишини бошлаб берди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 ноябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлашнинг ўсиш суръатини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида кооперацияни, шу жумладан, энергетика соҳасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суриш, ҳудудларнинг ишбилармонлик алоқалари ва маданий-гуманитар алмашинувини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йил 22 октябрь куни Москва вилоятида ўтган Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг иккинчи йиғилиши самарали бўлгани мамнуният билан қайд этилди.

3 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон — Россия Ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ва унинг доирасида қўшма бизнес форумини самарали ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди, бўлажак тадбирларнинг режаси муҳокама қилинди.

**ЎзА.**

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 11 ноябрь куни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавосини яхшилаш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин амалдаги тизимдаги тарқоқлик, масъулият ва ваколатларнинг турли идоралар ўртасида бўлиниб кетгани натижасида ишлар самараси ҳам доимо кутилган даражада бўлмаяпти.

Шу муносабат билан йиғилишда соҳада бошқарувни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар кўриб чиқилди.

Атроф-муҳит сифатини, шаҳарларда атмосфера ҳавосини яхшилаш, яшил ҳудудларни ривожлантириш, табиатга масъулиятли муносабатни шакллантириш ва табиий меросни муҳофаза қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда молиялаштиришни марказлашган ҳолда олиб бориш таклиф этилди.

Экологик назоратни алоҳида ёндашувлар асосида йўлга қўйиш ва масъул идораларнинг ваколатларини кенгайтириш режалари ҳақида маълумот берилди. Бунда, соҳадаги қоидабузарликларга қарши тезкор чора кўриш, дарахтларнинг ноқонуний кесилиши, ҳаво ифлосланишининг олдини олиш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш механизмлари, шунингдек, саноатда экологик тартибга солишни такомиллаштириш ва аҳоли пунктларида яшил ҳудудларнинг сақланишини таъминлаш чоралари кўриб чиқилди.

Президентимиз билдирилган таклифларни маъқуллаб, уларни бошқарувда сифат ва самарадорликни янги босқичга олиб чиқиш, назорат ва масъулиятни кучайтириш нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш юзасидан топшириқлар берди.

**ЎзА.**

**Шукуҳ**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ – ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

*Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик юбилейига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, сенаторлар, депутатлар, соҳа фаоллари, халқаро меҳнат ва касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарлари қатнашган ушбу тадбирда дастлаб Давлат мадҳияси ижро этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва аъзоларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Коммуникациялар департаменти раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

➡ 2

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

# ҲАЁТИЙ ТАМОЙИЛЛАР КАФОЛАТИ ВА ЭКОЛОГИК МАСАЛАЛАРГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётимизга дахлдор масалалар, жумладан, Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий қилиш, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод этилган шахслар устидан назорат механизмларини такомиллаштириш, халқаро Шартномани ратификация қилиш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда махсус иқтисодий ва саноат зоналари дирекциялари учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди. Парламент назорати фаолиятига доир масалалар ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

➡ 2

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ — ҲАМИША ЭЪТИБОРДА



1 Табрикда қайд этилганидек, ушбу байрамнинг юртимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда ўтаётгани унинг файзи ва шукуҳини янада оширмоқда. Сўнгги беш йилда тизим фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан қарийб 500 минг нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тиклангани, корхона ва муассасаларда 20 мингга яқин жамоатчилик назорати ҳамда гендер тенгликка оид аудит тадбирлари ўтказилгани, меҳнат муҳофазаси юзасидан 21 мингдан ортиқ камчиликлар бартараф этилгани, салкам 1 миллион ходим ва уларнинг оила аъзолари, 1 минг 200 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийси санаторийларда соғломлаштирилгани, 800 минг нафардан зиёд болалар учун ёзги дам олиш имкониятлари яратилгани диққатга сазовордир.

Мамлакатимиз касаба уюшмаларининг хорижий давлатлардаги турдош ташкилот ҳамда халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани, Федерациянинг ўнга яқин халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо бўлгани ҳам унинг самарали фаолиятидан далолат беради.

Юртимизда фидокорона меҳнат эътирофсиз қолмайди. Шу маънода, касаба уюшмалари ҳаракати ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун энг фаол, фидойи ҳамда ташаббускор касаба уюшма фаоллари давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан давлат мукофотларига сазовор бўлишди.

Тантанали тадбирда Ватанимизнинг орден ва медалларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева топширди.

Тадбирда сўзга чиққанлар соҳа ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан эътироф ва эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

— Бугун ҳаётимда энг қувончли ва унутилмас кун бўлди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти Кенгаши раиси, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Сайёра Файзиева. — Чунки тақдирланганлар орасида борлигим мен учун катта бахт ва шу билан бирга, улкан масъулият ҳам юклайди, десам, муболаға бўлмайди. Мукофот нафақат менга, балки тизимдаги барча ҳамкасбларимга, жамоамизга берилган юксак эътироф деб биламан. Касаба уюшмалари фаолияти ҳақида гапирадиган бўлсам, охирги 9 йилда барча соҳалар қатори ушбу тизимда ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ишларга янгича суръат кириб келди.

Қолаверса, Янги Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари ҳамда қўлга киритаётган натижалари бугун халқаро миқёсда ҳам тан олиниб, юксак эътирофларга сазовор бўлмоқда. Амалга оширилаётган ўзгаришлар, аҳолининг турли тоифалари, айниқса, хотин-қизлар ҳамда ёшларга кўрсатилаётган эътибор, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ташаббускорлиги ортиб, янги марралар сари олға интилаётир.

— Ноябрь ойи таассуротларга, қувончли лаҳзаларга бой бўлди деб айта оламан, — дейди Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Фарҳоджон Ханапияев. — Нега деганда, бу ойда Тиббиёт ходимлари кунини кенг нишонладик. Айни кунларда эса Касаба уюшмалари куни шукуҳи ҳам бутун ҳамюртларимиз, соҳа фаолларининг юз-кўзида сезилиб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг касаба уюшмалари фаолларига йўллаган байрам табригини диққат билан тингладим. Негаки, ҳар доим бундай табрикларда қилинган ишлар эътирофи билан бирга амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга ҳам урғу берилади. Бу эса келгуси фаолиятимиз учун “Йўл харитаси” ролини бажариши билан аҳамиятлидир.

Яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш керак. 120 йиллик тарихига эга касаба уюшмалари ҳар доим халқ билан, ишчи-ходимлар билан бирга бўлиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси, қонуний манфаатларини таъминлашда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Бу борадаги ишлар бугунги кунга келиб халқаро стандартларга мос ҳолда янгича ёндашув асосида олиб борилмоқдаки, бундай иш тутуми нафақат мамлакатимиз, балки халқаро майдонда ҳам эътироф этилаётир. Тақдим қилинган юксак давлат мукофоти бизга янада масъулият юклайди ва буни қалбдан ҳис этган ҳолда фаолиятимизни давом эттирамиз.

Тадбирда таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик учун яратилган кенг имкониятлар натижасида мамлакатимиз касаба уюшмалари фаолияти янги ривожланиш босқичига кирди. Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари юртимиздаги ислоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришлардаги фаолликларини янада ошириб, турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жорий йилнинг 17 октябрь куни Президентимизнинг касаба уюшмалари фаоллари билан тарихий учрашуви бўлиб ўтгани, унда Юртбошимиз томонидан халқнинг турмуш даражасини ва ҳуқуқий ҳимоясини яхшилаш ҳамда соҳани янада халқчил қилиш йўлида билдирилган ташаббуслар касаба уюшмаларига, меҳнат аҳлига бўлган доимий эътибор сифатида мамлакатимиздаги саккиз миллионлик касаба уюшма аъзоларининг қалбида юксак туйғуларни уйғотгани, уларга янги куч ва илҳом бағишлагани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, тадбирда хорижий давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар Ўзбекистонда касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик шонли тарихи билан танишиш имконига эга бўлди. Хусусан, бадиий саҳна кўринишлари орқали юртимизда илк касабачилик ҳаракатининг пайдо бўлиши, сўнгра Сирдарё вилояти идора ходимлари ва бухгалтерлари касаба уюшмаси, Туркистон фармацевтика ходимлари уюшмаси, ошпаз ва уй хизматчилари, тикувчи ва этикдўзлар, матбаа, механика ишлаб чиқариш, шунингдек, қурувчилар касаба уюшмалари ташкил этилиши, уларнинг Устави қабул қилиниши тарихий фактлар асосида кўрсатиб берилди.

Биринчи Ўзбекистон касаба уюшмаларининг Кенгашига бундан бир аср олдин 1925 йилнинг март ойида мазкур тадбир бўлиб ўтган ушбу муҳташам саройда асос солингани айтиб ўтилди. Бу пайтга келиб, касаба уюшмаларини ташкил қилган зиёлиларимиз томонидан халқимиз маънавияти ва маърифатини юксалтириш ишлари кенг йўлга қўйилгани намойиш этилди.

Жадидчилик ҳаракати ҳақида кўп ёзилган, тадқиқотлар қилинган. Бироқ уларнинг касабачилик ҳаракатидаги фаолияти кўпчилик учун аён бўлмаган тарихий факт экани ҳам саҳна кўринишлари орқали кўрсатиб берилди. Шу тариқа Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 1930 — 1941 йиллардаги, Иккинчи жаҳон уруши давридаги, урушдан кейинги тикланиш вақтидаги, 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин пойтахтимиз қайта қурилиши пайтидаги, Ватанимиз мустақилликни қўлга киритган йиллардаги фаолияти акс эттирилган лавҳалар намойиш этилди.

Шундан сўнг кейинги тўққиз йилда Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари шаклланганиь, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар мамлакат ва халқимиз ҳаётида кескин бурилиш ясагани, соҳа фаоллари ишчи-ходимлар манфаатларини ҳамиша ҳимоя қилиш билан бирга, уларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлиги саҳна кўринишлари асосида акс эттирилди.

Тантанали тадбирда концерт дастури намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова иштирок этди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**
Акмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

Онлайн учрашув

## ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРГА ЭГА МУНОСАБАТЛАР

*Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вьетнам Социалистик Республикаси Миллий мажлиси ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик бўйича гуруҳларнинг онлайн учрашуви бўлиб ўтди.*

Унда икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаш ҳамда парламентлараро мулоқотни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасидаги муносабатлар қадимий тарихий илдизларига эга. Бугунги кунда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли барча соҳада алоқалар тобора изчил ривожланиб бормоқда. Сўнгги йилларда ўтказилган олий даражадаги учрашув ва ташрифлар ҳамкорликни янги босқичга олиб чиққани қайд этилди.

Шу билан бирга, маданий-гуманитар соҳада ўзаро алоқалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик университетида Вьетнам тили ва маданияти маркази фаолият юритиши, шунингдек, икки давлат ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилгани, бу эса халқлар ўртасида яқин муносабатларни мустаҳкамлаётгани таъкидланди.

Учрашув якунида ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар фаолиятини тизимли йўлга қўйишга, уларнинг ҳар йили камида бир марта қўшма йиғилишини ўтказишга ҳамда навбатдаги шундай тадбирни Ўзбекистон Республикасида ташкил этишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Сенатор ва ёшлар

## Битирувчилар бандлиги бўйича муаммолар таҳлили

*Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматкаримов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Наманган вилоятида ўрганиш ишларини олиб бормоқда.*

Кеча халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашида олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Таъкидланганидек, айрим туман ва шаҳарларда ишлар натижадорлигига эришишда қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, бандлик кўрсаткичлари умумий вилоят даражасидан паст бўлган ҳудудларга қаратилган чора-тадбирлар етарли эмаслиги қайд этилди.

Шу муносабат билан мутасадди идора ва ташкилотларга аниқ вазифалар юклатилди. Хусусан, ҳар бир битирувчининг бандлигини таъминлаш бўйича манзилли ишлар ташкил қилиш, иш берувчилар билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни кенгайтириш, меҳнат ярмаркаларини тизимли ўтказиш ҳамда уларнинг натижадорлигини ошириш вазифалари белгиланди.

Йиғилиш якунида ишчи гуруҳларга қарор ижросини назоратга олиш, мавжуд муаммоларни қисқа муддатларда бартараф этиш ва амалий натижаларга эришиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАЁТИЙ ТАМОЙИЛЛАР КАФОЛАТИ ВА ЭКОЛОГИК МАСАЛАЛАРГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

1

### Исломий банк фаолиятини жорий этишнинг ҳуқуқий асоси

Мажлисда Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий қилишга қаратилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий банк хизматларини жорий этишга ва халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда банк тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, молиявий хизматлар қамровини кенгайтириш ҳамда янги турдаги банк хизматларини жорий қилиш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига исломий банк фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан исломий банк ва молия операцияларига оид ҳуқуқий нормалар лойиҳада акс эттирилганлиги маъқулланди. Шунингдек, молия стандартлари ҳамда инвестициявий депозитларга оид нормалар бўйича аввал билдирилган таклифлар инобатга олинганлиги халқ вакиллари эътиборида бўлди.

Лойиҳада исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш бўйича талаблар аниқ белгиланаётгани, исломий молия операцияларига оид тушунчалар очиб берилаётгани ҳамда исломий банк амалиётларини бажарувчи банкларга исломий молия стандартлари асосида мижозларни молиялаштириш учун савдо фаолиятини амалга оширишга ҳамда юридик шахсларни ташкил этиш ва уларнинг устав фондларидаги улушларни ёки акцияларни олишга рухсат берилиши назарда тутилгани депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, депутатлар қонун лойиҳаси билан исломий молия операцияларига солиқ солиш бўйича тегишли тартибнинг жорий қилинаётгани молиялаштиришга оид хизматлар кўламининг ошишига катта туртки беришини таъкидлашди.

Мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда исломий банк хизматларини босқичма-босқич жорий этишга, “яширин иқтисодиёт” улушини камайтиришга ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

### Жазони ўташдан шартли озод қилинган шахслар устидан пробация назорати такомиллаштирилмоқда

Депутатлар жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан назорат механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама этди.

Таъкидланганидек, пробация институти жазони ўтаб чиққан ёки жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқи устидан самарали назорат ўрнатиш орқали уларни қайта тарбиялаш, жамият ҳаётига қайтиб кириши учун шароит яратиш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олишда самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳам айнан жазони ўташдан шартли озод қилинган шахслар устидан самарали пробация назоратини ташкил этишни такомиллаштиришга қаратилган.

У билан Жиноят кодексининг 73-моддасига шартли озод қилинган шахсларга белгиланган вақтларда назорат органларида рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятини юклаш мумкинлиги назарда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, жазодан шартли озод этилган шахслар устидан тизимли ва самарали назорат ўрнатиш имконини яратади.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят-ижроия кодекси янги $28^1$-боб билан тўлдирилиб, унда жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан пробация назоратини амалга ошириш, назорат талабларини бузган шахсларга қўшимча мажбурият юклаш ёки жазони қайта ўтаттириш, жумладан, шахс зиммасидан айрим мажбуриятларни чиқариш ҳақида судга тақдимнома киритиш тартиби ва асослари белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволлар кўтарилди. Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Зафар Худойбердиев лойиҳанинг муҳимлигини таъкидлаган ҳолда айрим мулоҳазаларни билдирди. Депутатнинг айтишича, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун асос сифатида “Пробация тўғрисида”ги Қонуннинг 71-моддаси ижросини таъминлаш келтириляпти. Мазкур қонуннинг 71-моддасида Жиноят кодексининг 73-моддасига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганини кўриш мумкин. Лекин қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексининг 73-моддаси 5-қисми “е” банди сифатида таклиф этилаётган “вақти-вақти билан келиб жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахснинг хулқи устидан назоратни амалга оширувчи органларда рўйхатдан ўтиб туриш” деган мажбурият лойиҳа концепциясида келтирилган “Пробация тўғрисида”ги Қонуннинг 71-моддаси билан Жиноят кодексининг 73-моддасига киритилмаган. Бу норма таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан киритиляпти холос. Агар мақсад “Пробация тўғрисида”ги Қонуннинг 71-моддаси ижросини таъминлаш бўлса, нега бу қонун лойиҳаси билан унда кўзда тутилмаган янги норма таклиф этиляпти?

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан Жиноят-ижроия кодексининг $166^3$-моддаси тўлдириляпти. Унда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг мажбуриятлари белгиланмоқда. Бунга асос сифатида яна “Пробация тўғрисида”ги Қонун ҳамда Жиноят кодексининг 73-моддаси келтириляпти. Бироқ ушбу ҳужжатларда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятлар акс этган. Тўлдирилаётган $166^3$-моддада эса суд томонидан юкланган мажбуриятдан ташқари “чақирувга биноан пробация бўлинмасида ёки ҳарбий қисм қўмондонлигида ҳозир бўлиши шартлиги” деган янги мажбурият юкланяпти. Нима учун асосланмаган янги мажбурият тури киритиляпти?

Қонун ташаббускорлари бу бўйича атрофлича тушунтириш бериб ўтишди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Халқаро шартнома ратификация қилинади

Мажлисда “Ўзбекистон Республикаси билан Венгрия ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Шартномани (Будапешт, 2025 йил 20 май) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Бугунги кунда терроризм, экстремизм, иқтисодий жиноятлар ва уюшган жиноятчиликнинг турли кўринишларидан келиб чиқадиган хавф-хатарлар ортиб бораётгани давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва бу соҳадаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жиноятчиликка қарши курашда давлатлараро ҳуқуқий ёрдамни йўлга қўйиш ва уни тизимли равишда амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон ва Венгрия ўртасида ушлаб бериш масалалари бўйича амалда шартномавий асос мавжуд эмаслиги икки томонлама ҳамкорлик имкониятларини чекламоқда.

Мазкур шартнома муқаддима ва 26 та моддадан иборат бўлиб, унда жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки уларга нисбатан чиқарилган ҳукмни ижро этиш мақсадида ушлаб бериш тартиби, асослари ва шартлари белгиланган.



Шартнома кучга кириши натижасида Ўзбекистон ва Венгрия ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари ўртасида жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриш самарадорлиги ошади. Шунингдек, жиноят содир этган шахсларнинг жазодан қочиб қутулишига йўл қўймаслик, яъни жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи таъминланади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

### Давлат божини тўлашда имтиёзлар

Мажлисда “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига иқтисодий судларга мурожаат қилишда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда махсус иқтисодий ва саноат зоналари дирекциялари учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини ажратиш жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, ер қонунчилиги бузилишининг олдини олиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус дирекциялар, агар улар тадбиркорлик субъектлари томонидан ердан фойдаланиш шартлари бузилган ҳолларда иқтисодий судларга даъво аризаси билан мурожаат қилса, давлат божи тўлашдан озод этилиши белгиланмоқда.

Бу нормалар ер ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, ер муносабатларида қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан айрим аниқлаштирувчи саволлар берилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг мақсади ердан оқилона фойдаланиш эканини таъкидлаган ҳолда тадбиркорлар манфаати билан боғлиқ айрим масалалар борлигини, шу нуқтаи назардан унинг баъзи нормаларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини қайд этди.

Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар бўйича атрофлича изоҳ бериб ўтишди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

### Вазирларга парламент сўрови юборилди

Депутатлар “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси” ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида”ги парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш, энергия самарадорлигини ошириш, чиқиндиларни камайтириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик жиҳатдан тоза технологияларни жорий этиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган вақтда “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси”да белгиланган вазифалар ижроси доирасида “Энергетика ислоҳотлари учун инновацион углерод ресурсларини қўллаш” лойиҳаси асосида 2023 йилда энергетика тариф ислоҳотлари ўтказилди. Натижада республикада жами 6,3 млн. тонна карбонат ангидрид эквивалентида “иссиқхона газлари” ажратмалари қисқартирилди.

Мазкур қисқартирилган “иссиқхона гази”нинг маълум қисмини (500 минг тонна карбонат ангидрид эквивалентида) халқаро углерод бирликлари савдосига йўналтириш орқали 7,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағлари жалб этилди. Ресурсларни тежаш кўрсаткичлари бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 6,3 млн. кВт/соат энергия, 82 минг м$^3$ дан ортиқ сув, 1 050 тоннадан зиёд хомашё тежалишига эришилган. Жорий йил давомида йирик саноат ва цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 140 тасида замонавий чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилган.

Бундан ташқари, саноат корхоналари томонидан ўзига тегишли бўлган ва туташ ҳудудларга “яшил белбоғ”лар барпо этиш бўйича 2024 йилнинг баҳор ҳамда куз мавсумларида 11,8 млн. туп дарахт ва бута кўчатларини экиш ишлари амалга оширилган. Ўрмон билан қопланганлик даражасини ошириш мақсадида 2024 йилда давлат ўрмон фондининг фойдаланилмаётган 7 000 гектар ерлари ўзлаштирилган.

Шу билан бирга, бугунги кунда атроф-муҳитни асраш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда ўз ечимини кутаётган айрим масалалар бор. Улар тизимли ёндашувни, барча ресурсни жалб қилган ҳолда ечимлар топишни талаб этмоқда.

Хусусан, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида, сайлов округларидаги ўрганишларида аҳоли томонидан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, экологик мониторинг тизимини янада кучайтириш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича қатор масалалар кўтарилмоқда.

Мажлисда шундан келиб чиқиб, атмосфера ҳавосига зарарли ташламалар чиқарувчи ва меъёридан ортиқча ифлосланган оқова сувларини ҳосил қилувчи корхоналар ҳолатини баҳолаш ва зарарли ташламаларни камайтириш, маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ва хизматлар кўрсатишда технологик жараёнларни “Яшил сертификат” билан экологик сертификатлаштириш ва экологик маркировкалаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг “яшил” иқтисодиётга ўтишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш ҳақида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳамда иқтисодиёт ва молия вазирларига парламент сўрови юборилди.

**«Халқ сўзи».**

**Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» павильонларида «Securex Uzbekistan — 2025» ҳамда «E-TechExpo — 2025» халқаро кўргазмалари иш бошлади.**

# ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ВА УНИНГ ҚАДРИ УЧУН

*Президентимизнинг куни кеча Тошкент давлат тиббиёт университетига ташрифи ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан яқиндан танишиши катта аҳамиятга эга воқеа бўлди. Ташриф давомида мамлакатимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, рақамлаштириш жараёнлари ва таълим сифатига оид ишларга бағишланган тақдимотлар кўпчиликнинг эътиборини тортди.*

Давлатимиз раҳбарига тақдим этилган “DMED” ягона электрон ахборот тизими имкониятлари тиббиёт тизимининг рақамлаштирилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини аниқ ифодалайди. Мазкур тизим орқали 36 миллион нафардан ортиқ фуқароларнинг тиббий маълумотлари ягона базада жамланди. “Online-шифокор” хизмати аҳолига масофадан тиббий маслаҳат олиш имконини яратади. Шунингдек, “Электрон рецепт” тизими орқали ортиқча дорилар ёзиш ҳолатлари 40 фоизга камайди ва дорилар айланмаси шаффофлашади. Барча тиббий маълумотлар биометрик ҳимоя остида сақланиб, шахсий маълумотлар хавфсизлиги таъминланади.

Президент таъкидлаганидек, бу ўзгаришлар нафақат аҳоли учун қулайлик ва сифатли хизмат, балки тиббиёт ходимлари учун самарадорлик, давлат учун шаффофлик ва тежамкорликни таъминлайди. Шу боис ҳар бир тиббиёт ходимининг малакасини ошириши, замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиши устувор вазифалардан ҳисобланади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларига, халқимизнинг бугунги кунидан рози бўлиб, ҳар жиҳатдан қулай шароитда турмуш кечиришига қаратилган. Ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг нафақат марказларда, балки чекка ҳудудларда ҳам ўз вақтида амалга оширилиши одамлар кайфияти, ислоҳотларга ишончини белгилайди.

Бугунги кунда аҳоли ўртасида ижтимоий соҳа объектларига бўлган талаб юқори. Йиллар давомида чекка ҳудудларда таълим-тарбия, тиббий хизматга етарли даражада эътибор қаратилмаслиги ушбу соҳаларда ишнинг издан чиқишига олиб келди.

Аммо кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида бирламчи тиббий хизматни ривожлантириш, таълим-тарбияни тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада чекка ҳудудларда ҳам замон талабларига мос тиббий муассасалар, мактабгача таълим масканлари барпо этилмоқда.

Ташриф давомида университетнинг замонавий симуляцион лабораториялари, реанимация, операция, шошилинч ёрдам ва турли профил бўйича амалиёт хоналарида яратилган шарт-шароитлар ҳам кўздан кечирилди. Соҳага сарфланаётган маблағ ва қаратилаётган эътибор талабаларнинг амалиёт орқали билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб, соғлиқни сақлаш соҳасида замонавий талабларга жавоб бера оладиган малакали мутахассислар сифатида етишиб чиқишига замин яратмоқда.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.**

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

*Яқин йилларгача тиббиёт йўналишининг ривожи ва ютуқлари борасида ижобий фикрлар бироз истиҳола билан тилга олинарди. Чунки соҳа моддий-техника базасининг ночорлиги, малакали кадрлар борасидаги тақчиллик бунга имкон бермасди. Аммо сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган 230 триллион сўмлик маблағ натижасида 187 та янги поликлиника ва шифохоналарнинг ишга туширилиши, 1 244 та тиббиёт муассасасининг реконструкция қилиниб, жиҳозланиши мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматларини аҳолига яқинлаштиришда муҳим қадам бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.*

Натижада бирламчи тиббиёт муассасалари қуввати 60 фоизга ошди, юқори технологияли диагностика ва даволаш усуллари ҳудудларга етказилди, мураккаб операциялар вилоят марказларига, кам инвазив амалиётлар эса туман даражасига туширилди. Биринчи марта 45 та туманда буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиши аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди.

Албатта, буларнинг барчасини таълимга эътибор қаратмасдан уддалаш қийин. Шу боис Тошкент давлат тиббиёт университети базасида учта олий таълим муассасаси бирлаштирилди, Урганч давлат тиббиёт институти ташкил этилди, саккизта тиббиёт олий таълим муассасаси халқаро аккредитациядан ўтди. Бу эса замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш имкониятларини янада кенгайтирди.

Тошкент давлат тиббиёт университетида талабалар сони 29 864 нафарга етгани, таълим жараёнларининг энг замонавий талаблар даражасига кўтарилиши, рақамлаштиришнинг фаол давом этиши ўқув муассасалари жаҳон андозаларига мослашаётганини кўрсатади.

Президентимиз таъкидлаганидек, бунда замонавий тиббиёт муассасаларини барпо этиш, сунъий интеллектни жорий қилиш ва илғор ускуналарнинг барча ҳудудларга етказиб берилиши, ҳар бир тиббиёт ходимининг малакасини ошириши ва замонавий билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиши муҳим ҳисобланади.

“Рақамли соғлиқни сақлаш маркази” фаолияти орқали барча тиббиёт муассасаларининг фаолияти реал вақт режимида кузатилиб, сурункали касалликлар ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари таҳлил қилинмоқда. Бу эса тиббиёт тизимининг самарадорлигини ошириш, аҳолига сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш имконини янада кенгайтиради.

Демак, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, рақамлаштириш жараёнлари ва тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича қўлга киритилаётган натижалар аҳоли саломатлигига юксак эътиборнинг амалий ифодасидир.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.**

# ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ ВА АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР

*Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг АҚШ билан алоқалари янги босқичга кўтарилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган очиқ, прагматик ва манфаатли ташқи сиёсат натижасида икки давлат ўртасидаги ишончли мулоқот йўлга қўйилди.*

Давлатимиз раҳбарининг 5-6 ноябрь кунлари АҚШга ташрифи доирасида ҳам мамлакатлараро алоқаларни янада мустаҳкамлайдиган, узоқ йиллик ҳамкорликни юқори нуқтага олиб чиқувчи қатор манфаатли учрашувлар ўтказилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари АҚШ Конгресси вакиллар палатаси аъзолари — Билл Хайзенга, Керол Миллер ва Сидни Камлагер-Давни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш, қонун чиқарувчи органлар даражасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, конгрессменлар вакиллик қилаётган Ғарбий Виржиния, Мичиган ва Калифорния штатлари билан ишлаб чиқариш, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва таълим соҳаларида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболлари муҳокама этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев АҚШ Сенатидаги Марказий Осиё бўйича кокус ҳамраиси, сенатор Стив Дейнс билан учрашувда Марказий Осиё бўйича кокус фаолиятига юқори баҳо берар экан, бу тузилма минтақавий барқарорлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётганини алоҳида қайд этди. Учрашув чоғида сенатор Стив Дейнс вакиллик қилаётган Монтана штати билан алоқаларни янада фаоллаштириш масаласи муҳокама қилинди. Штат ишбилармонларининг Ўзбекистонга ташрифи бўйича эришилган келишув ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлиши кутилмоқда.

Бу каби ташаббуслар нафақат федерал даражадаги, балки ҳудудлараро дипломатиянинг ҳам амалий самарасини оширади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, экология, таълим ва туризм соҳаларида Монтана штати билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг минтақавий ривожланиш стратегиясига мос келади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари АҚШ томонидан изчил қўллаб-қувватланаётгани мулоқотда яна бир бор тасдиқланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг сенатор Стив Дейнс билан учрашуви Ўзбекистон — АҚШ муносабатларида “стратегик шерикликдан амалий шериклик” босқичига ўтилаётганини яққол кўрсатди. Бу нафақат сиёсий даражадаги мулоқот, балки реал иқтисодий, ҳудудий ва маданий натижаларга қаратилган ҳамкорликнинг ифодасидир.

6 ноябрь куни эса Вашингтон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Экспорт-импорт банки (Эксимбанк) раҳбари Жон Йовановични қабул қилди. Учрашув давлатимиз раҳбарининг АҚШга амалий ташрифи доирасидаги энг муҳим учрашувлардан бири сифатида эътироф этилди. Бу мулоқот нафақат молиявий ҳамкорликни, балки Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий тизимга интеграциялашувини янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

АҚШ Эксимбанки — Америка ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланадиган расмий экспорт-кредит агентлиги бўлиб, мамлакат компанияларининг ташқи иқтисодий фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлайди. У суғурта, кафолат ва кредит воситалари орқали халқаро савдони рағбатлантиради. Бу тузилманинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлиги — мамлакатимиз иқтисодиётининг ишончли ҳамкор сифатида эътироф этилаётганидан далолат.

Учрашувда алоҳида эътибор Ўзбекистон авиапаркини модернизация қилиш, “Boeing” самолётларини етказиб бериш масалаларига қаратилди. Бу Ўзбекистоннинг глобал транспорт инфратузилмасига интеграциялашуви, миллий авиация соҳасининг халқаро даражадаги янгиланиши сари қадамдир. Эксимбанк ушбу жараёнда нафақат молиявий ҳамкор, балки стратегик ишончли шерик сифатида қатнашади.

Президентимизнинг АҚШ Эксимбанки раҳбари билан учрашуви Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг янги босқичини ифодалайди — бу амалий натижага қаратилган иқтисодий дипломатия модели. У шунчаки сиёсий ташриф эмас, балки реал лойиҳалар, молиявий ресурслар ва технологик имкониятларни Ўзбекистонга олиб кирувчи аниқ қадамдир.

Худди шундай самарали учрашувлар кун бўйи ҳам давом этди. Шу куни Президентимизнинг АҚШ Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) бош директори Бен Блэк билан учрашуви бўлиб ўтди.

“DFC” — АҚШнинг миллий ривожланиш институти бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда инфратузилма ва саноат соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий капитални жалб этади. У дунё бўйлаб юзлаб йирик инвестицион ташаббусларни қўллаб-қувватлаб келади.

Ўзбекистон билан “DFC” ўртасидаги ҳамкорликнинг фаоллашуви, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг очиқлиги ва ислоҳотларга тайёрлиги билан боғлиқ. “DFC” учун Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги энг истиқболли ва барқарор ҳамкорлардан бири.

Учрашувда амалий шерикликни чуқурлаштириш учун қўшма инвестиция платформасини яратиш ташаббуси илгари сурилди. Бу платформа орқали устувор лойиҳаларни молиялаштириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, инновацион соҳаларга хусусий капитални жалб этиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, “DFC”нинг Тошкент шаҳрида минтақавий офисини очиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бу нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида тузилма фаолиятини кенгайтиришга замин яратади.

Президент Шавкат Мирзиёев корпорациянинг инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда давлат-хусусий шериклик асосида иштирок этишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Бу модель нафақат Давлат бюджети юкини камайтиради, балки бизнеснинг ижтимоий масъулиятини оширади ва инвестиция муҳитини янада соғломлаштиради.

“DFC” билан бундай форматдаги ҳамкорлик — Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва халқаро молиявий тизим билан уйғунлашувининг амалий ифодаси.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бен Блэк билан учрашуви Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг “янги дипломатия — янги инвестициялар” тамойилига асосланганини кўрсатади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари АҚШнинг етакчи компаниялари, инвестиция фондлари ва молия институтлари вакиллари билан ҳам учрашув ўтказди. Тадбирда АҚШ савдо вазири Ховард Латник, Президентнинг махсус ёрдамчиси Рикки Гил, Президентнинг махсус вакили Паоло Замполли, қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Стивен Ваден, шунингдек, “Google”, “Meta”, “Amazon”, “Boeing”, “McKinsey”, “Air Products”, “John Deere”, “Cargill Cotton” каби дунё миқёсидаги йирик компаниялар раҳбарлари қатнашди.

Президентимиз учрашув давомида иқтисодий ҳамкорликнинг янги устувор йўналишларини белгилаб берди. 2030 йилга бориб Ўзбекистонда 18 — 20 гигаваттлик қайта тикланувчи қувватлар яратилади, электр энергиясининг ярмидан кўпи қуёш ва шамол манбаларидан олинади.

Бу мақсадда АҚШ компаниялари билан энергетика инфратузилмаси, “яшил” технологиялар ва стратегик минераллар — уран, мис, вольфрам, молибден, графит қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилади. Бу нафақат иқтисодий, балки геосиёсий аҳамиятга эга лойиҳа бўлиб, глобал таъминот занжирларида Ўзбекистоннинг ўрнини мустаҳкамлайди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари 2030 йилгача транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга 12 миллиард доллардан ортиқ маблағ йўналтирилишини маълум қилди. Бу дастур доирасида автомобиль ва темир йўл тармоқлари, логистика терминаллари ҳамда аэропортлар модернизация қилинади.

Замонавий иқтисодиётнинг асоси рақамли технологиялар. Шу нуқтада Ўзбекистон “Google”, “Meta”, “NVIDIA” билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда. “Apple Pay” ва “Google Pay” тўлов тизимларини жорий этиш, Рақамли академия ва стартап-хаблар тармоғини яратиш лойиҳалари бу йўналишдаги энг муҳим ташаббуслардандир.

Бу ташаббуслар ёшлар бандлигини ошириш, инновацион тафаккурни ривожлантириш ва Ўзбекистонни минтақадаги IT марказига айлантиришга хизмат қилади.

Тадбир якунида Президент Шавкат Мирзиёев АҚШ компанияларининг инвестиция ташаббусларини шахсан қўллаб-қувватлашга тайёр эканини таъкидлади. У Ўзбекистонни “хорижий инвесторлар учун ишончли ҳамкор ва муваффақият кафолати” сифатида тақдим этди.

Бугун Ўзбекистон нафақат минтақавий иқтисодий ўсиш марказига, балки глобал ҳамкорлар учун барқарор, очиқ ва рақобатбардош майдонга айланмоқда.

Вашингтондаги учрашувлар Ўзбекистон — АҚШ стратегик муносабатларининг янги иқтисодий босқичига йўл очди. Бу босқичнинг асосий белгиси сўздан амалий натижага ўтиш, яъни инвестиция, технология ва ҳамкорликнинг реал лойиҳаларга айланишидир.

**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.**

# МИНТАҚА РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР ВА АНИҚ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР

*Таҳлилчиларнинг фикрича, узоқ вақт дунё сиёсий харитасида истиқболсиз давлатлар рўйхатига киритилган Марказий Осиё кейинги йилларда шиддат билан яна сиёсий саҳнага қайтди.*



Чиндан ҳам, 80 миллиондан зиёд аҳолиси бўлган ҳудудда ҳукм сурган ишончсизлик муҳити тили, дини, урф-одати ва анъаналаригача бир бўлган миллатларни бир-бирларидан узоқлаштириб, сунъий рақобатчиларга айлантирган бўлса-да, кейинги йиллардаги ўзгаришлар яқин тарихда йўл қўйилган хатолар оқибатини бартараф этиш имконини берди.

Бунга Янги Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва узоқни кўра билиши сабаб қилиб кўрсатилаётгани бежиз эмас. Миллатимиз Президентининг Янги Ўзбекистон амалда ўзини оқламаган йўлдан бормаслиги ҳақидаги қатъий қарори ички ва ташқи сиёсат асосини белгилаб бердики, айнан ана шу йўл билан Ўзбекистон дунёга очилди, жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг янги қиёфасини намоён этди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида эса Марказий Осиё устувор йўналишга айланди.

Чуқур ўйлаб, амалга оширилган ташаббуслар янги сиёсий муҳитнинг шаклланишига асос бўлишдан ташқари, ўзаро ишончни ҳам тиклади. Ўшанда Ўзбекистон раҳбари “Ишончим комилки, ўзаро ҳамкорлигимиз ҳали дунёнинг бошқа минтақалари билан яқин алоқалар ўрнатишга имкон беради”, деган эди.

Дарҳақиқат, ўтган қисқа даврда Марказий Осиё дунёнинг сиёсий ва иқтисодий тараққиётини усиз тасаввур қилиб бўлмаслигини амалда исботлади.

Бугун минтақа жаҳон майдонида стратегик аҳамиятга эга ҳудудга айланиб, геосиёсий макон сифатида эътибор қозона бошлади. Марказий Осиё нафақат бой табиий ресурслари ва транзит салоҳияти, балки хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ҳамда барқарорлик нуқтаи назаридан ҳам ўта муҳим маконга айланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кескин ўзгаришлар даврида биз учун иқтисодий ривожланиш, инвестициялар ва янги технологиялар сув ҳамда ҳаводек керак, шерикларга эса муҳим ресурслар ва геосиёсий минтақага кенг йўл очиб берувчи ҳамкор зарур. АҚШда бўлиб ўтган “С5+1” форматидаги саммит ҳам буни тасдиқлади, дейиш мумкин.

Бошқача айтганда, давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифи ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг саммитидаги иштироки шу маънода ҳам ниҳоятда самарали ва тарихий воқеа бўлгани бежиз қайта-қайта такрорланмаяпти.

Ушбу тадбир баҳонасида ўзбек миллий дипломатияси тутган йўл сабаб биз учун кўпчилик кутмаган дарвозалар ҳам очилди, Ўзбекистон оғизда эмас, ўз ҳамкорига амалда елка тутиши, ўз сўзида собит тура олишини кўрсатди.

Тараққиёт олиб келиши кутилаётган бундай эътибор, албатта, йирик давлатларнинг ўзаро рақобати билан ҳам боғлиқ. Лекин бу, биринчи навбатда, узоқ вақтдан бери тўғри баҳоланмаган имкониятлар ва минтақанинг низолардан холи ҳамкорлик ҳудудига айлангани билан боғлиқ эди.

Марказий Осиёда Ўзбекистон Президентининг сиёсий иродаси ўз халқи билан бирга жондош ва қондош миллат ҳамда элатлар манфаатини бирдек қадрлагани билан бошланган аҳил қўшничилик алоқалари ҳудуд давлатлари учун кенг имкониятлар яратмоқда.

**Алишер ҚОДИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари.**

# Истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги фаол алоқалар

*Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтган “С5+1” форматидаги саммит шу кунларда дунё ҳамжамиятининг диққат марказига чиқди.*

Ташриф доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Президенти Дональд Трамп билан яна бир бор олий даражада музокаралар ўтказди. Шунингдек, Қўшма Штатлар Конгресси ва ҳукумати вакиллари билан уюштирилган учрашувлар, ушбу мамлакат етакчи компанияларининг раҳбарлари билан алоҳида мулоқотлар ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари иштирокидаги давра суҳбатлари ҳам жуда самарали бўлди.

Ўзбекистон ва АҚШ етакчилари мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Икки давлат раҳбарлари қўшма лойиҳаларни илгари суришнинг институционал механизмларини яратиш ва такомиллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Бу ўзаро ҳамкорликда амалий натижаларни кўпайтириш, фаол муносабатларни турли соҳаларда кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Президенти “С5+1” форматидаги саммитдаги нутқида ушбу форматга асос солинганидан буён ўтган 10 йилда минтақавий савдо, транспорт ва энергетика алоқаларини ривожлантиришнинг самарали механизмига айлангани, мазкур учрашув бу форматнинг келажакда янада жозибадор ва кенг қамровли бўлиши, Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги стратегик мулоқотни ривожлантиришда янги босқични бошлаб беришини таъкидлади.

Саммитда Ўзбекистон томонидан “С5+1” формати доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Аввало, иштирокчи мамлакатларда навбати билан жойлаштириладиган доимий фаолият юритадиган Котибиятни таъсис этиш таклиф қилинди. У минтақалар ўртасидаги ҳамкорликнинг тизимли ва самарадор бўлишига замин яратади. Унинг Марказий Осиё мамлакатларида навбати билан фаолият юритиши ҳар бир давлатдаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун мавжуд шароитлар ҳамда тўсиқ бўлаётган омилларни аниқлаш, ҳал этишга реал имконият беради.

Ўзбекистон етакчиси Марказий Осиёни Жанубий Кавказ ва Европа билан боғлайдиган йирик транспорт-коммуникация ва энергетика лойиҳаларини амалга оширишда АҚШ билан фаол ишлашга тайёрлигини билдирди.

Маълумки, Ўзбекистон бугунги кунда дунёда барқарор иқтисодий ўсишга эришаётган давлатлардан бири ҳисобланади. Бундай иқтисодий барқарорликни ушлаб туриш, уни янада юксалтириш учун товар ва хизматларнинг фаол ҳамда эркин ҳаракатланишини таъминлаш лозим бўлади. Шунинг учун янги ва ишончли транспорт йўлаклари ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга.

Товар ва хизматларнинг тез ҳамда эркин ҳаракатланиши юртдошларимизнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ошишига мустаҳкам замин яратади. Натижада бандлик, доимий даромадга эга бўлиш, илмий ва юқори технологик ҳамкорлик имкониятлари кенгаяди, янгидан-янги истиқболлар очилиб боради.

Жаҳондаги энг йирик, илмий ва инновацион иқтисодиётлар билан шериклик минтақамиз истиқболи учун, юртимизда ижтимоий масалаларни самарали ҳал қилиб бориш учун ниҳоятда муҳимдир.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари.**

# ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

*Бугунги кунда тиббиёт соҳаси юртимиз тараққиётининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди, десак, муболаға эмас. Соғлом жамият, соғлом миллат ғояси рўёбга чиқаётган даврда тиббиёт соҳасининг роли янада ошиб бормоқда. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида сўнгги йилларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар бутун соҳа учун янги даврни бошлаб берди.*

Илгари, асосан, пойтахтда бажарилган юқори технологик ва диагностика-даволаш усулларининг 400 дан ортиғи ҳудудларда амалга оширилмоқда. Юзлаб мураккаб амалиётлар вилоят марказларига, кам инвазив операциялар туман даражасига туширилди. Бугунги тиббиётдаги ўзгаришларни қишлоқ ва олис ҳудудларда яшаётган юзлаб одамларимиз ҳис қилмоқда, халқаро ташкилотлар, таҳлил ва рейтинг марказлари эътироф этмоқда.

Куни кеча давлатимиз раҳбари Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан ўтказилган учрашувда жонкуяр шифокорларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, туман ва вилоят бош шифокорлари республика марказлари билан тўғридан-тўғри ишлайдиган, интеграциялашган тизим жорий қилинади. Туман ва вилоят даражасида касалликларнинг олдини олиш ва самарали даволаш бўйича янгиликлар олиб кирган вилоят, туман соғлиқни сақлаш бўлимлари, оилавий поликлиника мудирларига “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими” унвони, орден ва медаллар, 30 миллион сўмдан пул мукофоти берилиши соҳа мутахассисларига юксак эътибор намунасидир. Узоқ йиллик стажга эга ходимларга санаторий йўлланмалари, фарзандлари олий таълимга қабул қилинганда тўлов шартномалари учун 30 фоизлик чегирма тақдим этилади.

Ёшлар ва малакали кадрлар тайёрлашда тиббиёт олийгоҳларида янги факультетлар очилиши, даволаш йўналишлари бўйича резидентура ва магистратура, олий малакали ҳамширалик йўналиши бўйича квоталарнинг оширилиши тизим сифатини тубдан юксалтиришга қаратилгани, шубҳасиз. Айниқса, хусусий сектор ва давлат муассасалари ҳамкорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши боис, бугунги кунда хусусий клиникалар сони 3 каррага ошиб, улардаги тиббий хизматлар республика марказлари билан тенглашганлиги барчамизга маълум. Келгуси йилдан тадбиркорларга замонавий кўп тармоқли клиникаларини ташкил қилиш учун имтиёзли маблағлар ажратилиши, тиббий ускуна ва тез ёрдам автотранспорти бўйича имтиёзлар муддати узайтирилиши соҳада рақобат ва инновацияларни рағбатлантиришга хизмат қилади. Бу орқали халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга эришилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт тизимидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш бўйича белгиланган вазифалар биз, депутатларга ҳам ўзига хос масъулият юклайди. Тиббиёт ва фармацевтикага доир қонунчиликни бугунги кун талаблари асосида такомиллаштиришга, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан таъсирчан парламент назоратини олиб боришга устувор аҳамият қаратишимиз мақсадга мувофиқ.

**Ноиба ИНОЯТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Ўзбекистон экспорт салоҳияти Хитойнинг Наньнин шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада тақдим этилди.**

# КЎҲНА ОБИДАЛАР УЗРА ДУНЁ ОВОЗИ ЯНГРАМОҚДА

*Жаҳонда айрим халқаро ташкилотлар бор — улар нафақат сиёсий ёки иқтисодий манфаатларни, балки бутун инсоният руҳиятини, маданиятини, тафаккурини бирлаштириш қудратига эга. Шулардан бири — ЮНЕСКО, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти. 1945 йил 16 ноябрда ташкил этилган бу халқаро тузилма бугун 190 дан ортиқ давлатларни ўз қаноти остига олган, инсоният тафаккури, маърифати ва уйғунлигининг тимсолига айланган.*

## Нуқтаи назар



ЮНЕСКОнинг шиори оддий, аммо чуқур маъноли: “Урушлар инсон онгида бошланар экан, тинчлик ҳам инсон онгида қурилмоғи керак”. Шу ғоя асосида ташкилот ҳар йили минглаб илмий, маданий ва таълимий дастурларни амалга ошириб, миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, тинчлик ва тараққиёт кўпригини бунёд этмоқда. Бугунги кунда ташкилот 1100 дан ортиқ объектларни Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритган — бу рўйхатда Шарқ цивилизациясининг юраги бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби Ўзбекистон шаҳарларининг номи фахр билан тилга олинади.

Ўзбекистон 1993 йилдан буён ЮНЕСКОнинг тўлақонли аъзоси бўлиб, бу йиллар мобайнида ўзининг бой тарихий меросини дунё миқёсида танитишда беқиёс ютуқларга эришди. Бугунги кунга қадар мамлакатимиз ҳудудидан 8 та маданий мерос объекти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган, 22 та номоддий маданий мерос элементи эса халқаро эътирофга сазовор бўлган.

ЮНЕСКО нафақат тарихни асраш, балки келажакни яратиш билан ҳам шуғулланади. У таълим сифатини ошириш, экологик мувозанатни таъминлаш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва ёшлар салоҳиятини ривожлантириш борасида Ўзбекистон билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйган. Масалан, сўнгги йилларда “ЮНЕСКО кафолатида таълим сифатини ошириш”, “Ёш аёллар STEM фанларида” ва “Оролбўйи экологияси” дастурлари орқали юзлаб ўзбекистонлик ёшлар халқаро грантлар асосида ўқиш ва илмий изланиш олиб бормоқда.

Айни кунларда эса тарихий воқеа — ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси илк бор Самарқандда ўтказилмоқда. Бу халқаро эътирофнинг энг олий шакли, Ўзбекистоннинг маданият, фан ва инновациядаги юксак мақомини тасдиқловчи белгидир. Чунки бугун дунё Самарқандда нафақат тарихни, балки келажакни ҳам ёзмоқда. 30 октябрдан 13 ноябргача давом этадиган ушбу тадбир нафақат анъанавий конференция, балки миллатлараро маданият, ижодкорлик, имкониятлар ва янги уфқлар очилишининг тимсоли.

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Самарқанд шаҳри тарихида бугун янгича саҳифа очилмоқда. ЮНЕСКО Бош конференцияси одатда Парижда, ташкилот марказида ўтказилар эди. Бу гал ЮНЕСКО ташкилоти ҳамма учун маълум анъанадан воз кечиб, жаҳон маданияти майдони марказини Марказий Осиёга — Ўзбекистонга кўчираётганини барча кузатмоқда. 40 йилдан ортиқ вақт ичида биринчи бор шундай қарор қабул қилинди ва бу нафақат логистик амалиёт, балки рамзий маънода ҳам муҳим.

Бу бутун бир минтақа учун, барча Марказий Осиё халқлари учун имконият ва масъулиятнинг уйғунлашуви. Самарқанд — нафақат тарихий шаҳар, балки бугуннинг ҳам кўзгуси, ўтмиш билан келажакнинг туташган жойи. Шу ерда маданият софланади, ижод чарақлайди ҳамда савдо, туризм, инновациялар ва “яшил” энергия каби соҳалар чорраҳасида янги стратегиялар шаклланади.

Конференциянинг маркази Самарқандда ижодкорлик ва маданият, анъанавий қадриятлар бугунги кунда замонавий шаклда янгиланмоқда. Ўзбекистон ЮНЕСКО билан ҳамкорликда турли маданий дастурларни амалга оширмоқда: масалан, мамлакат ҳудудларида маданий меросни сақлаш ва саноатни ривожлантириш соҳасида илмий ва амалий ташаббуслар кенгаймоқда. Бундан ташқари, туризм соҳасида ҳам аввалги рақамлар кўтарилмоқда: масалан, 2024 йилда Ўзбекистон 10,2 миллиондан ортиқ хорижий туристларни қабул қилган, 2025 йилда мамлакатимизга 11 миллионга яқин халқаро саёҳатчилар келиши кутиляпти. Бу рақамлар олдинги йиллардагиси билан солиштирилганда анча юқори. Туризм сектори энди фақат саёҳат билан боғлиқ эмас, балки маданият, ижод, замонавий технология билан интеграциялашган ҳолда тараққиёт механизмига айланмоқда.

Ўзбекистонда ҳозирда қатор стратегик йўналишлар белгиланган: савдо, туризм, инновация, технология, “яшил” энергия ва ижодий саноат — булар ҳаммаси Бош конференция 43-сессияси мунозараларининг марказида. Савдо соҳасида Ўзбекистон ўзининг креатив саноатини, технологик стартапларини, экспорт имкониятларини кенгайтиришга интилмоқда. Бу конференция мана шу саъй-ҳаракатларни жаҳон майдонида намоён этади ҳамда бутун дунё билан тажриба алмашиш имконини яратади.

Бу каби катта ютуқлар ортида эса давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси, стратегик фикрлаши, оқилона ёндашувлари мужассамдир. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда тараққиёт учун тинимсиз меҳнат қилмоқда, халқаро майдонда Ўзбекистон муносиб ўрин топиши учун ҳаракат қилмоқда. Мамлакатимизни янада ривожлантириш, гуллаб-яшнатиш йўлидаги қадамлар эса аниқ: маданиятга эътиборни ошириш, туризмни рағбатлантириш, “яшил” энергия йўналишига кучлироқ кириш, креатив ва технологик секторларни бундан-да тараққий эттириш.

Бу конференция икки ҳафталик шунчаки йиғилиш эмас, балки узоқ муддатли стратегиялар, ҳамкорликлар, янги лойиҳалар бошланиши учун майдондир. Маданият билан савдо, туризм билан технология, саноат билан “яшил” энергия — ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ. Ўзбекистонда, масалан, туризм соҳасида ўртача қолиш муддатини 10 — 12 кунга етказиш мақсади қўйилган. Шунингдек, экспорт-импорт, стартаплар, ижодий маҳсулотлар, рақамли трансформация, “яшил” энергия. Ушбу йўналишлардаги муҳокамалар, соҳа олимлари, мутахассислари ва экспертлари томонидан билдирилган таклиф ҳамда ташаббуслар, албатта, келгусида ўз меваларини беради.

Ёшлар — ўзгаришнинг ҳал қилувчи кучи. Ўзбекистонда аҳолининг катта қисми ёшлар. Уларнинг шижоати, иқтидори, креатив фикрлари тараққиёт стратегияси учун муҳим ресурсдир. Самарқандда йиғилган делегациялар, олимлар, ижодкорлар, тадбиркорлар — барчаси “Келажакни бирга қуриш”

**Халқ сўзи**
**Народное слово**
**танловига**

мақсадида бирлашди. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, ёшларни инновация ва ижодга жалб қилиш ана шу йўлда муҳим босқичдир.

Бугун Самарқандда эсаётган шабада Ўзбекистон учун, минтақа учун, бутун жаҳон учун янги ҳаёт нафасини улашмоқда. Маданият, ижодкорлик, савдо, туризм, технология, “яшил” энергия, булар бугун алоҳида-алоҳида соҳага ўхшайди, лекин бирлаштирилса, улкан кучга айланади. ЮНЕСКО Бош конференцияси айнан шундай келажак қурилишининг катализатори бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқаро майдонда олиб борилаётган ёндашувларнинг барчаси бу воқеа билан янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

Қадимий Самарқанднинг кўҳна обидалари аро бугун дунё овози янграмоқда. Минг йиллик нилий гумбазлар инсоният учун янги ижод, ҳамкорлик ва имконият уфқларига гувоҳ бўлмоқда.

Маданият намояндалари, ёшлар, тадбиркорлар, олимлар, ижодкорлар — барча қўлни қўлга бериб, ягона эзгу мақсад йўлида ишламоқдаки, сессия якунида қабул қилинадиган ҳужжатлар нафақат Янги Ўзбекистоннинг, балки бутун жаҳоннинг маданий юксалишига, таълим ва фан тараққиётига, тинчлик ва тотувликка, қисқача айтганда, ёруғ истиқболига дастуриламал бўлишига шубҳа йўқ.

**Ҳамиджон РАСУЛОВ,**
**Қўқон университетининг Халқаро туризм ва иқтисодиёт кафедраси мудири.**

**Футбол**

# Ўсмирларимиздан ёрқин ғалаба

*Қатар мамлакатида ўн етти ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг гуруҳ баҳслари якунланди. Йигирманчи бор уюштирилаётган нуфузли мусобақада дунёнинг 48 та ўсмирлар терма жамоаси ғолиблик учун кураш олиб бораётир.*




Мундиалда Осиё қитъаси чемпиони сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон “J” гуруҳида Парагвай, Ирландия ва Панама ўсмирлар терма жамоалари билан кейинги босқич учун беллашди.

Дастлаб Парагвай ўсмирлари билан баҳс олиб борган Исломбек Исмоилов шогирдлари 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. 2-турда гуруҳ пешқадами Ирландия билан кечган ўйинда европалик ўсмирлар зафар қучди — 2:1. Гуруҳдаги учинчи ўйинда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси кеча Панамага қарши яшил майдонга чиқди. Катта устунлик билан ҳаракат қилган ёш футболчиларимиз рақибларини йирик — 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ўйиндаги голларни А. Шукуруллаев, С. Ҳасанов, С. Содиқов, Ж. Рустамов, А. Алиев, А. Саидов киритган бўлса, Ж. Пачеко панамаликларнинг ягона голига муаллифлик қилди.

Шу тариқа гуруҳда 6 очко жамғарган футболчиларимиз кейинги босқичда тўп сурадиган бўлди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАЛОВАТ ИЛИНЖИДА ҲАЛОКАТ ТОМОН...

*Аёл анҳор бўйлаб кезиб бораркан, гоҳ-гоҳида унда-бунда қолдириб кетилган шприцларга кўзи тушади... Юраги эзилади. Аёл — она-да, хавотирга тўла ўйлар кечади хаёлидан, кечаги зулмат ўз қўйнида не бир оғир дардларни яширган бўлса. Унинг кўз олдига наркотик моддаларга ўрганиб қолган нодон ва ночор кимсалар, уларнинг оилалари, аламлар, йиғилар, фарёдлар келади...*

*Бугун рўйи замин узра одамлар замонавий қулайликлар, рақамли имкониятлар ва янги ҳаёт стандартлари билан юзлашаётган бир пайтда, инсониятни ич-ичидан емираётган хатарлар ҳам йўқ эмас, афсуски. Гиёҳвандлик моддаларига тобелик — ана шундай офатлардан бири.*

**Долзарб мавзу**

## Бутун жамият учун катта таҳдид

Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 ноябрь куни миллат генофондини гиёҳвандликдан ҳимоя қилиш, кибержиноятларга қарши самарали курашиш ҳамда прокурор назоратини рақамлаштириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишувида қайд этилганидек, сўнгги йилларда наркожиноятчилик бутун инсоният учун янги глобал хавф-хатарга айланмоқда. Таҳлилларга кўра, дунёда 400 миллиондан ортиқ одамлар бу иллатга дучор бўлган, унинг оқибатида йилига уларнинг 300 мингга яқини вафот этяпти.

Афсуски, мазкур иллат мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Йил бошидан 11 мингдан зиёд наркожиноятлар аниқланиб, 2,5 тоннага яқин гиёҳвандлик моддалари ушлаб қолинди. Бундай жиноятларнинг шакл ва турлари йилдан-йилга кўпайиб, қамрови ортиб бораётгани наркожиноят ва гиёҳвандликка қарши курашишни комплекс равишда ташкил қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканини кўрсатмоқда.

Тақдимотда ёшлар орасида наркотикларнинг ноқонуний айланмасига жиноий-ҳуқуқий механизмлар орқали қатъий барҳам бериш, наркотикларни интернет орқали тарқатиш, уюшган гуруҳлар ва нарколабораториялар, уларга раҳнамолик қилаётган мансабдор шахсларни аниқлаш ва чек қўйишга қаратилган кенг қамровли тезкор-қидирув ҳамда терговфаолиятини йўлга қўйиш, вояга етмаган ва ёшлар орасида гиёҳвандликнинг диагностикаси, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитацияси тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Президентимизнинг шу йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муҳим ҳужжат мамлакатимизда гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024 — 2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегиянинг устувор мақсадларига эришиш, гиёҳвандлик ва уюшган наркожиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш орқали аҳолини, биринчи навбатда, ёшлар саломатлигини ҳамда миллат генофондини самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги томонидан берилган маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда Ўзбекистонда наркожиноятлар сони 103 фоизга, синтетик гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи эса 80 баробар ошган.

Бу қўрқинчли рақамлар шахсий фожиадангина иборат эмас, балки ижтимоий йўқотишдир — ушбу оғу сабаб юз бераётган ҳар бир қурбон ортида унинг оиласи, тарбиячисидан айрилаётган фарзандлари, ушалмаган орзулар қолади. Нафс илинжида ҳеч қандай жиноятдан бош тортмайдиган “дорига ўтириб қолган”лар нафақат оиласи, балки жамият учун ҳам катта таҳдидга айланади.

## Улар шохида юрса, биз баргида юришимиз керак

Бугун наркобизнес — нафақат “кўча савдоси”, балки рақамли технологиялар орқали бошқариладиган, “даркнет” тармоқлари ва криптовалюта орқали ишловчи йирик трансмиллий тизимга айланган. Бу эса жиноятни аниқлашни қийинлаштириб, унинг ҳудудий чегараларини бутунлай йўққа чиқараётир.

— Мамлакатимизда наркотик воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши давлат сиёсати изчил кучайтирилиб, профилактика, назорат ва жиноят-қидирув тадбирлари кенгайтирилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги бош илмий ходими Жонибек Юсупов. — Шуни таъкидлаш керакки, амалга оширилаётган тизимли чоралар фонида жиноятчи гуруҳлар ҳам ўз ҳаракат тактикаси ва логистикасини кескин ўзгартиришда давом этяпти. Махфийлик даражасини ошириш, фаолиятини рақамлаштириш, далилларни йўқотиш ва жойлашув нуқталарини тез ўзгартиришга қаратилган ёндашувларга ўтишаётир. Пандемиядан кейин чегаралар орқали ноқонуний товарларни олиб ўтишга қарши курашнинг такомиллаштирилгани, одатий етказиб бериш каналларининг фош қилингани ва рақамли хизматларнинг кенгайгани туфайли наркожиноятчилар томонидан катта каналлар ўрнига кўп сонли, кичик ва масофадан бошқариладиган тармоқларга ўтилди.

Демак, юқоридаги ўзгаришларнинг содир бўлиши ҳуқуқ-тартибот идоралари олдига янги турдаги синтетик наркотик воситаларини аниқлаш, яширин нарколабораториялар фаолиятини фош этиш ва кибермакондаги наркожиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усулларини ўрганиш ва амалиётга тезкор татбиқ қилишни тақозо этмоқда. Замонавий наркожиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқ-тартибот идораларидан тизимли бошқарув, тезкор ахборот алмашинуви, таҳлилга асосланган қарор қабул қилиш ва жамоатчилик билан очиқ мулоқот талаб этиляпти.

— Гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш баробарида, уларнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Жонибек Юсупов. — Хусусан, жорий йил бошидан аҳолида, айниқса, ёшларда гиёҳвандликка қарши “иммунитет”ни шакллантириш ҳамда уларнинг наркожиноятлардан огоҳлигини ошириш мақсадида жами 700 мингдан ортиқ тарғибот ва тарбиявий-профилактик тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирларга 15 миллиондан зиёд аҳоли жалб этилган бўлса, уларнинг 11 миллион нафарини ёшлар ташкил қилади. Албатта, кўзланган натижага эришмагунча тарғибот ва профилактика ишларини янада кучайтиришимиз, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида психотроп моддаларнинг зарари ҳақида доимий ва интерфаол тарғибот ишлари олиб боришда давом этишимиз керак. Фақат бир томонлама маърузалар эмас, балки ҳаётий мисоллар, видеороликлар, таъсирчан ижтимоий лойиҳалар, машҳур шахслар иштирокидаги тадбирлар орқали таъсир кучини ошириш мумкин.

## Сабаб ва оқибатлар

Гиёҳвандлик моддаларидан фойдаланиш ҳолатларининг кўпайиб бораётгани нафақат соғлом турмуш тарзига, балки жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитга ҳам катта таҳдид солмоқда. Таҳлилчилар мазкур муаммони келтириб чиқараётган бир нечта омиллар борлигини таъкидлайди.

Ёшлар ўртасидаги ишсизлик ва барқарор даромад манбаларининг етишмаслиги шулардан бири. Доимий иш жойига эга бўлмаган айрим кимсалар ҳаётий эҳтиёжларини қондириш мақсадида “осон пул” топиш йўлларини излайди. Кўпчилик вақтинчалик қийналиб бўлсада, ҳаёт йўлларини топиб кетади. Аммо баъзилар бундай вазиятда гиёҳвандлик моддаларини тарқатиш ёки истеъмол қилиш сингари хавфли йўлларга кириб қолади. Агар ёшлар учун иш ўринлари, касбий тайёргарлик, психологик ёрдам ва ҳуқуқий маслаҳат хизматлари етарлича ташкил этилмаса, улар муаммоларини мустақил ҳал қилишга уриниб, кўп ҳолларда нотўғри қадам босади, эгри йўлларга кириб қолади.

Ҳуқуқий билим етишмаслиги, ёмон муҳитнинг таъсири, ижтимоий изоляция ва руҳий тушкунлик каби омиллар ҳам ёшларни хавфли йўлларга етакламоқда. Яна бир жиддий омил — инсоннинг ички дунёсидаги бўшлиқ, яъни ахлоқий ва маънавий заифликдир. Бугунги глобаллашув ва ахборот хуружлари даврида айрим ёшларга ички маънавий қалқондан маҳрум экани панд бериб қўймоқда. Руҳий бўшлиққа тушган шахс ўз ҳаётидаги муаммоларга тўғри ёндашмасдан, ундан қочишни маъқул кўради. Айнан шундай вазиятда турли психотроп воситаларга мурожаат қилишга ўтади.

Ишсиз қолган, иқтисодий мушкул вазиятга тушган ёшларнинг ҳаммаси ҳам ўзини жиноят кўчаларига ураётгани йўқ. Аксинча, вақтинчалик синовлар баъзи ёшларни ҳаёт учун курашга, ўз устида ишлашга, янада кучлироқ бўлишга ундаяпти. Чунки оилада яхши тарбия кўрган бундай йигит-қизларнинг маънавияти бутун, қадриятлари терандир. Инсонийлиги, масъулият ва ҳаётга онгли ёндашуви уларнинг ички қалқони саналади.

— Бугун наркожиноятлар сонининг ошиб бораётгани — жамиятимиз учун жиддий сигнал. Бу ҳолатнинг илдизи фақат ҳуқуқбузарлик ёки иқтисодий қийинчиликларда эмас, балки одамлар онги ва руҳиятидаги мувозанат бузилишида ҳам, — дейди Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази директори Зарифжон Ашуров. — Замондошларимиз, айниқса, ёш авлод бугун катта руҳий босим остида яшаяпти. Тез ўзгараётган ҳаёт, рақобат, ижтимоий босим, ишсизлик ёки маънавий суянчсизлик одамни ички бўшлиққа тортмоқда. Айримлар ана шу бўшлиқни наркотик моддаларга ружу қўйиш билан тўлдиришга уринади. Улар буни дам олиш, асабни тинчлантириш ёки “реалликдан қочиш” йўли деб билади. Аслида эса бу “ҳаловат” ортида янада оғир руҳий қарамлик ётади.

Наркотикка мойил кимсага жиноятчи сифатида эмас, оғриқни ичида сақлаётган инсон сифатида қарашимиз керак. Агар у ўз муаммосини вақтида баён эта олса, руҳий ёрдам ололса, бу кулфатга тушиб қолмайди. Ачинарлиси, жамиятимизда ҳали ҳам “психиатрга бориш уят”, деган фикрлар яшаб келмоқда. Шу боис кўп одамлар оғриғини яширади, натижада муаммо чуқурлашади. Биз руҳий саломатлик ҳақида очиқ гапиришни, руҳий ёрдам сўрашни табиий ҳол сифатида қабул қилишни ўрганишимиз керак.

## Ота-она ибрати муҳим

Зарифжон Ашуров ёшлар орасида наркожиноятлар кўпайишининг сабабларига алоҳида тўхталар экан, шундай дейди:

— Ёшлар табиатан ҳиссиётга бой бўлади, ўзларини намоён қилишга интилади. Агар бу эҳтиёж оилада ёки жамиятда қондирилмаса, у бошқа, нотўғри манбалардан суянч излайди. Баъзан “дўстлар гуруҳи”, “замонавий ҳаёт услуби” деган ниқоб остида ёшлар тузоққа туширилади. Шунинг учун ҳар бир ёшнинг ички оламига, ҳиссиётига, уни эшитишга эътибор бериш лозим. Чунки наркомания — фақат моддага эмас, эътиборсизликка ҳам боғлиқ иллат. Шу ўринда бир ҳаётий мисолни келтириб ўтсам. 14 ёшли бемор йигит даволанишга олиб келинди, у сокин, уятчан кўринса-да, ич-ичидан ёлғиз экани билиниб турарди. Суриштирсак, отаси чет элда, онаси эса уй ишлари билан банд. Камига, бола оиласидан доим танбеҳ эшитади. У “фақат дўстларим билан ўзимни яхши ҳис қиламан”, деб ҳисоблайди. Айнан ўша дўстлари унга наркотик таклиф қилишган, бола уларга ишониб моддани синаб кўрган. Бундай мисоллар атрофда жуда кўп, бир марталик қизиқиш қанчадан-қанча кишининг ҳаётини хавф остига қўяди. Синаб кўрай, кейин ташлаб юбораман деган киши жуда катта хато қилади. Ҳозирги синтетик наркотиклар бир мартанинг ўзидаёқ қарамликни юзага келтириб, инсонни қулга айлантириб қўймоқда.

Гиёҳвандлик воситалари истеъмоли кишини ўзлигидан чин маънода айириб, манқуртга айлантиради. Унинг учун энди атроф-муҳит, ҳаётий мақсадлари, оиласи — ҳаммаси бегона бўлиб қолади. Фақат ўша моддани топиб, қабул қилса бўлгани, тинимсиз шу ҳақида ўйлай бошлайди. Оиласи, фарзандлари тарбияси билан умуман қизиқмай қўяди. Вақт ўтиб ишидан ҳам айрилади ва наркотика учун уйидаги барча нарсаларни сотишга тушади. Бу эса ўз-ўзидан фарзандлари руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Масъулиятсизлик, уйдаги нотинчлик, жанжаллар болаларни ўзгартириб, отадан ўрнак олишга ёки жамиятдан узоқлашишга олиб келади.

Беморларим орасида модда истеъмоли натижасида галлюцинация ҳолатига тушиб, атрофдаги ҳеч кимни танимай қолганлар ҳам бўлган. Шу боис наркотиклар нафақат унга боғланиб қолган кишининг ўзига, ҳатто атрофидагиларга ҳам таъсир кўрсатади. Қанчадан-қанча кишиларнинг ёруғ келажагини ботқоққа ботиради. Шу ўринда ота-оналарга айтмоқчиман, сиз фарзандларингиз учун ўрнаксиз, улар қаршисида доимо кучли, мақсадлари томон интилувчи, ўрганишдан тўхтамайдиган шахс бўлиб қолинг. Ана шунда бола ҳам кучли шахс бўлиб улғаяди. У кўчадаги дўстларидан ҳам кўпроқ сизга ишонсин, суянсин! Атрофидаги кишилар ва дўстлари ким эканидан хабардор бўлинг, шундагина болани шахс қилиб тарбиялай оласиз.

Мутахассис фикрича, наркожиноятлар билан самарали кураш фақат жазо чоралари билан чегараланмаслиги зарур. Жазо — фақат оқибатга қарши курашиш. Шу боис сабаблар бартараф этилиши керак. Бунинг учун профилактика, маънавий-ахлоқий тарбия, руҳий барқарорликни ошириш каби йўналишларга жиддий эътибор бериш лозим. Мактаб ва олий таълим тизимларида стресс бошқаруви, ҳаёт қийинчиликларига қарши психологик тайёргарлик, соғлом турмуш тарзи маданияти ўргатилса, яхши бўларди.

Наркотик моддаларга қарши кураш бугун фақат ҳуқуқий ёки тиббий муаммо эмас. У руҳий-маънавий кураш майдонида ҳам кечмоқда. Демак, ушбу муаммони бартараф этишда жамиятнинг барча қатламлари ҳамжиҳат бўлиб, маънавият фронтида ҳам жиддий иш олиб боришни ўзининг фуқаролик бурчи деб билиши зарур. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари ва энг аввало, ота-оналар ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг онгини ўстириш, ички руҳий барқарорлигини таъминлашда фаол иштирок этиши лозим. Бунинг учун эса жамиятда ахлоқий тарбияни мустаҳкамлаш, ҳар бир ёшга ҳаётдаги ўз ўрни, мақсадини англатиш, уларда ишонч ва интилиш руҳини шакллантириш замон талабидир.

**Ғолиб БАҲРОМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**2026 йилдан бошлаб барча тиббиёт олийгоҳларида олий ҳамширалик иши йўналиши очилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ғ. Баҳромов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.50 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6